

*Ғаниева Малика Махсуд қизи**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси*

ДАСТУРИЙ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИАТИ

Аннотация: Мақолада дастурий бюджетлаштиришнинг асосий натижалари, самарадорлиги ва истикболлари, шунингдек, уни Ўзбекистонда жорий этиш имкониятлари ва муаммолари таҳлил қилиниб, давлат молиясини бошқаришдаги ошқоралик ва ҳисобдорликни ошириш, бюджет маблағларидан фойдаланишни оптималлаштириш, давлат органлари ўртасида мувофиқлаштиришни яхшилаш ҳамда давлат хизматлари сифатига ёрдам бериш масалалари ёритилган.

Аннотация: В статье анализируются основные результаты, эффективность и перспективы программного бюджетирования, а также возможности и проблемы его внедрения в Узбекистане. Рассматриваются вопросы повышения прозрачности и подотчетности в управлении государственными финансами, оптимизации использования бюджетных средств, улучшения координации между государственными органами и содействия повышению качества государственных услуг.

Annotation: The article analyzes the main results, effectiveness, and prospects of program budgeting, as well as the possibilities and challenges of its implementation in Uzbekistan. It addresses issues of increasing transparency and accountability in public financial management, optimizing the use of budget funds, improving coordination among government agencies, and enhancing the quality of public services.

Калит сўзлар: дастурий бюджетлаштириш, ҳисобдорлик, бюджет дастурлари, ошқоралик, самарадорлик, жорий этиш, такомиллаштириш, халқаро тажриба.

Кириш

Самарали бюджет сиёсати давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, давлат харажатларининг натижадорлигини ошириш ва давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши керак. Ҳозирги вақтда ушбу мақсадларга эришишнинг энг истикболли воситаларидан бири дастурий бюджет бўлиб, унга ўтиш бюджет тизимини ислоҳ қилишнинг устувор ёналиши сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича Стратегиянинг асосий мақсадларидан бири “дастурий бюджетлаштириш” тизимини жорий этишдан иборат. Янги тизимнинг жорий этилиши мамлакатнинг устувор стратегик мақсадларига эришиш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш имконини беради.

Тадқиқот долзарблиги

Дастурий бюджетлаштириш давлат молиясини бошқаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган метод бўлиб, бюджет маблағларини аниқ мақсадларга йўналтириш ва уларнинг самарали сарфланишини таъминлашни мақсад қилади. Бу усул бюджет маблағларидан фойдаланишда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашга, шунингдек,

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик аҳамиятга эга мақсадларига ресурсларни йўналтиришга имкон беради.

Тадқиқот методологияси

Мақолани тайёрлаш жараёнида хорижий тажриба асосида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом, тегишли моддалар ва норматив-ҳуқуқий базаларни таҳлил қилиш усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Дастурий бюджетлаштириш – истиқболли давлат дастурларини ҳисобга олган ҳолда, стратегик мақсадлар асосида ишлаб чиқиладиган дастурларни амалга ошириш натижалари билан давлат харажатларини тақсимлаш жараёнининг боғлиқлигини таъминловчи бюджетни шакллантириш, ижро этиш ва ижросини назорат қилиш методологияси.

Бюджет дастурлари маблағ тақсимловчи органларнинг ўрта муддатли давр учун соҳани ривожлантириш дастурлари (концепция ва стратегия) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, миллий барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган мақсад ва вазифалар асосида ишлаб чиқилади.

Дастурий бюджетлаштириш тизимида ўтишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- бюджет соҳасидаги қонунчилик сифатини ошириш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, жамоат ва ҳукумат назоратини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳукуматга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш;

- вазирликлар ва идораларнинг устувор вазифалари асосида белгиланган мақсадларга эришиши ва уларнинг ижроси юзасидан жавобгарлигини кучайтириш;

- вазирлик ва идораларга Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлашга, шунингдек ажратилган маблағлар ҳисобидан эришилган натижаларни (мақсадли индикаторларни) баҳолаш имконияти яратилади;

- марказий ва маҳаллий даражаларда давлат бошқарувини такомиллаштириш;

- дастурий мақсадларни ишлаб чиқиш, дастурларни амалга оширишнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга ошириш бўйича ҳисоботлар тартибларини такомиллаштириш.

Ўзбекистонда дастурий бюджетлаштириш фаол жорий этиш ва такомиллаштириш босқичида. Ҳозирги кунда бу жараённинг бир нечта муҳим натижаларини ажратиш мумкин:

1. Бюджетнинг ошкоралиги ва ижро ҳокимияти органларининг қонунчилик органлари ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериш масъулиятини ошириш: дастурий бюджетлаштириш давлат маблағларидан фойдаланишда ошкоралик ва ҳисобдорликни оширишга ёрдам беради. Бу харажатларни назорат қилишни яхшилайти ва жамоатчиликнинг давлат институтларига бўлган ишончини оширади. Масалан, бюджет сарфларининг очиқлиги, бюджет маблағларини қандай йўналишларга сарфланиши ҳақида маълумотлар таъминланади.

2. Бюджет маблағларидан фойдаланишни оптималлаштириш: дастурий бюджетлаштириш бюджет маблағларини устувор дастурлар ва лойиҳаларга йўналтиришга имкон беради. Бу эса давлат харажатларининг самарадорлигини ошириш ва қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради. Мисол учун, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар самарадорлиги ошиди.

3. Турли давлат органлари ўртасида мувофиқлаштиришни яхшилаш: дастурий бюджетлаштириш турли давлат органлари ўртасида мувофиқлаштиришни яхшилайти, бу эса давлат дастурлари ва лойиҳаларини янада самарали амалга оширишга имкон беради. Бу, ўз навбатида, давлат муассасалари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайди.

4. Давлат хизматлари сифатига ёрдам бериш: дастурий бюджетлаштириш давлат хизматларининг сифатига ёрдам беради, чунки маблағлар энг муҳим ва самарали дастурларга йўналтирилади. Натижада, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифати ва самарадорлиги ошади.

5. Стратегик режалаштиришни ривожлантириш ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш, жумладан, бюджет маблағларини қайта тақсимлаш, шунингдек, соҳавий вазирликларнинг молия вазирлиги олдида ҳисобот бериш масъулиятини ошириш.

Ушбу натижалардан ташқари, дастурий бюджетлаштириш жорий этиш жараёни қатор қийинчиликлар билан ҳам боғлиқ, жумладан, кадрларни ўқитиш зарурати, янги ахборот тизимларини мослаштириш ва натижаларни барқарор мониторинг қилиш ва баҳолашни таъминлаш. Шунингдек, дастурлар ва лойиҳаларни баҳолашда илғор ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда жорий этишнинг имкониятлари

1. Технологиялар ва инфратузилмани ривожлантириш: Ўзбекистондаги рақамли технологиялар ва инфратузилмани ривожлантириш дастурий бюджетлаштиришнинг жорий этилишини осонлаштиради. Электрон ҳукумат тизимлари ва ахборот-коммуникация технологиялари бу жараёни янада самарали қилади.

2. Иқтисодий ислохотлар ва модернизация: Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва молиявий тизимни модернизациялаш жараёнлари дастурий бюджетлаштиришнинг муваффақиятли қўлланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

3. Таълим ва кадрлар тайёрлаш: Дастурий бюджетлаштиришнинг самарали амалга оширилиши учун малакали кадрлар зарур. Ўзбекистондаги таълим муассасалари ва касбий ўқув марказлари орқали мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

4. Ташқи ҳамкорлик ва тажриба алмашиш: Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик дастурларида иштирок этиши ва ташқи тажрибани ўрганиши дастурий бюджетлаштиришни муваффақиятли жорий қилишга ёрдам беради.

5. Мониторинг ва баҳолаш тизимини кучайтириш: Натижаларни мунтазам назорат қилиш ва таҳлил қилиш, бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш.

6. Ҳисобдорлик ва ошкораликни таъминлаш: Давлат органларида ҳисобдорлик ва ошкораликни таъминлаш учун аниқ ва мунтазам ҳисобот бериш тизимини жорий этиш, жамоатчиликнинг давлат фаолиятига бўлган ишончини ошириш учун очиқ маълумотлар платформаларини ишлаб чиқиш.

Хулоса

Тадқиқот мавзуси Ўзбекистонда дастурий бюджетлаштиришни жорий этиш давлат бошқарувини модернизация қилиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни оширишнинг муҳимлиги ва долзарблигини намоён этади. Дастурий бюджетлаштириш ошкоралик, ҳисобот бериш ва давлат хизматлари сифатига ёрдам беради, бу эса мамлакатнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади. Мавжуд қийинчиликларга қарамай, дастурий бюджетлаштиришни усуллариини такомиллаштириш ва халқаро тажрибадан фойдаланиш орқали мақсадларга эришиш ва Ўзбекистоннинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам берилади.

Шерхон Сайфутдинов, Ўзбекистон Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети департаментининг бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва дастурий усуллариини жорий этиш бўлими бошлиғи, 2025 йилда дастурий бюджетлаштириш бўйича пилот лойиҳалар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигида амалга оширилишини билдирди. Пилот вазирликлар томонидан ишлаб чиқилган бюджет дастурлари текширувдан ўтиб, тасдиқланганидан сўнг, ушбу тажрибани бошқа вазирликларга ҳам жорий этиш режалаштирилмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 04.01.2024 йилдаги 4-сон <https://lex.uz/docs/6728568>
2. Ўзбекистон Республикаси Фискал Стратегия 2023-2025 йиллар учун https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/2023_2025_йиллар_учун_Фискал_стратегия.pdf
3. Ўзбекистон дастурий бюджетлаштиришни Россия кўмагида амалга оширади <https://sputniknews.uz/20240606/uzbekistan-dasturiy-byudjetlashtirish-russia-44266399.html>